



Ўзбекистонда маънавий янгиланиш тушунчасининг илмий- назарий ва методологик асослари

**Фарду вокал ва чолғу ижрочилиги
кафедраси доценти в.б А.Нурмуҳамеджанов**

Аннотация: Ушбу мақолада Маънавий янгиланиш тушунчаси ва унинг мазмун моҳиятига эътибор қаратилган. Жамиятнинг маънавий ҳаёти унинг мазмун моҳияти, маънавий фаолият, маънавий муносабатлар мақолада кенг ёритиб берилган. Ушбу мақолада маънавий қадриятлар, маънавий янгиланиш тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти хақида хам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: маънавият тушунчаси, жамиятнинг маънавий ҳаёти, маънавий янгиланиш, маънавий фаолият, маънавий муносабатлар, маънавий эҳтиёжлар, маънавий манфаатлар.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар тизимида замонавий архитектура ютуқлари асосида мусиқа ва санъат мактаблари қурилишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугун барча туман ва шаҳарларда санъат ғунчалари учун барпо этилган кошоналарда келажагимиз нодир истеъдодлари миллий ва замонавий мусиқа санъати сирларини пухта эгалламоқдалар. Ёш истеъдодларга бунчалик катта эътибор қаратилиши инсон маънавий ҳаётида мусиқанинг катта ўрни ва роли билан бевосита боғлиқдир. Маънавиятнинг шаклланишида мусиқа санъатининг алоҳида ролини “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарда таъкидланишича “Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳда камол топишида бошқа санъат туларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда” дейилади. Бу фикрдан қўриниб турибдики, ёшлирамиз маънавиятини шакллантиришда бошқа санъат турларининг ролини инкор этмаган ҳолда, мусиқа ва ашула санъатининг ролига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Ёшлилар ахлоқий тарбиясига таъсир этувчи мусиқа маънавияти ўз оҳанглари билан инсон қалбига тўғридан-тўғри кириб борадиган, унинг руҳияти ва кайфиятига тез ва кучли таъсир кўрсатадиган, ижтимоий фикрини уйғотиб ўзи ва бошқа одамларга нисбатан муносабатини теранлаштирадиган,

янги орзу ва режалар сари ижодий интилишга куч-кудрат бағишилаб, фаол турмуш тарзи кечиришга ундейдиган, жисми ва руҳиятига ором бериб, маънавий маданиятини юксалтирадиган бекиёс илоҳий неъматдир.

Буни ҳар тонг давлатимиз мадхиясини эшитиб, унинг мусиқа ва матнини биргаликда такрорлаётган ҳар бир инсонда пайдо бўладиган руҳий кечинмаларда ёки спортчининг юксак ғалабаси шарафига давлат байроғи кўтарилиб, мадхия янграй бошлаган вактда кўзидан сизиб оқаётган қувонч ёшарини тия олмаслигида яққол кўришимиз мумкин.

Инсоннинг кундалик хаёти фақат қувонч ва тантаналардан иборат эмас: ҳар бир киши турли ҳаёт завқи ва ташвишларини ўз бошидан мунтазам кечиради. У ҳаётнинг ташвишлари ва турмуш муаммолари гирдобига кириб қолганда ҳам энг яқин юпанч-бу, мусиқа бўла олади. Бир тасаввур қилинг: шундай нохуш ҳолатга тушиб қолган ҳар қандай киши энг қадими мусиқа асбобларидан бири-най созидан тараалаётган “Чўли ироқ”ни эшитса, бир зум узоқ ўйга чўмади, бутун ҳаётининг мазмун ва моҳиятини англаб етишга ҳаракат қиласи, ўзини ҳозирда руҳан янгиланган, қайта уйғонгандек бўлади. Демак, мусиқа инсон қалбини очувчи асосий калит, унга ором берувчи энг муҳим воситадир.

Ҳар қандай шаклдаги тафаккур, билиш жараёни тасаввурлар, тушунчалар, категорияларнинг таркиб топишига олиб келади. Инсон тасаввур, тушунча, категориялар ёрдами билан фикр юритади, деганда у ўз онги ёрдамида муайян ҳаётий жараён, ўзгаришларни акс эттиришда улардан фойдаланиши назарда тутилади. Демак, ҳар бир тасаввур ва тушунча айни вактда вокелик ҳодисаларининг у ёки бу жихатларини акс эттиради, бинобарин, инсон улар оркали оламни билади, сўнгра уларни бошка кишиларга етказмок, учун тил шаклларига киритади. Шубҳа йўқки, атрофимизни табиат ҳодисалари, предметлари, инсон томонидан яратилган жисм ва буюмлар қуршаб олган. Бу олам ўзининг нихоятда хилма-хил шакллари, ранглари, жараёнлари, маконий муносабатлари билан инсон ҳиссиётига таъсир этиб туради, сезгиларида акс этади. Моддий оламнинг алоҳида олинган ушбу нарсалари, уларнинг ўзаро муносабатлари инсон онги томонидан билиб олишга даъват этилади, тафаккуrimизда сўз ва тил ҳодисаларини юзага келтиради. Яна шундай олам ҳам мавжудки, бу инсон руҳи, инсоннинг маънавий олами, тарихнинг катта ютуғи сифатида олиб

карадиган инсониятнинг маънавий ҳаётидир. Маънавият ижтимоий ҳаётнинг таркибий кесими бўлиб, унинг алоҳида соҳасини ташкил этиш билан бирга моддий хаёт сингари объектив реалликка ҳам эгадир. Маънавият, маънавий ҳаётнинг жамият ҳаётида тутадиган ўрни ҳакида сўз юритишдан олдин «маънавият» атамасининг мазмунини аниклаб олиш лозим. «Маънавият»нинг ўзагини «маъно», «маъни» сўzlари ташкил этиши ҳакида адабиётларда тўхтаб ўтилган. Текширувчиларнинг фикрича, «маънавият» атамаси, бир томондан, арабча «маъни» ўзагидан ҳосил бўлган. Илк ислом ислоҳотчилари таълимотича, Калом бир талай қисмларга бўлинган: борлиқдан аввалги ҳаёт — куммун, атомлар ҳакидагиси — жавҳар ал-фард, сабабий боғланиш тўғрисидаги таълимот — таваллуд, моҳият тўғрисидаги илм — маъно ҳисобланган. Шундай килиб, нарса-ҳодисалар, жараён, табиат ва жамият, хатто Оллоҳнинг моҳияти «маъна»да ўз ифодасини топган. Иккинчи томондан, маънавият хам, унинг ўзаги «маъна» хам кадимги хинд фалсафасида кенг кўлланилган «манас» тушунчаси билан боғланган бўлиши мумкин. Бундай тақдирда у дўстлар ва улфатлар жойи маъносини билдиради. Тилшуносликка оид луғатларда ҳам «маънавият» — аҳлоқийлик, кишининг ички ва руҳий олами билан боғлик; маъноларни англатишига айтилади. Маънавият муаммоси жуда хам мураккаб ва серқиррали бўлганлиги сабабли унга берилган таърифлар хам ранг-барангдир. Бунда қуйидагича манзарага дуч келамиз: маънавият деганда — шахсий онг; кишиларнинг руҳий фаолияти; аҳлок; нафосат ва назарий қадриятлар йиғиндиси, ҳакиқат ва ҳиммат ҳамда ¹гўзалликнинг киёми; инсоннинг хис-туйғулари; инсоннинг жамики аҳлоқий қадриятлари йиғиндиси кабилар тушунилади. Келтирилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, маънавият бепоён, чексиз борлиқнинг инсон руҳида акс этишидир. Жамиятнинг маънавий ҳаёти ҳақиқий маънодаги инсоний ҳаёт, фаолият, муайян ижтимоий соҳада кишилар кечирадиган ҳаётдир. Маънавий ҳаёт кишилар мавжудлигининг реал, жонли жараёни, хар кандай даражадаги мавжудлиги ифодаси бўлиб, у кундалик оддий тушунчалардан тортиб, инсониятнинг энг қайнок ижоди, хаёллари, руҳий олами, хиссий кечинмаларигача бўлган ҳолатларни ўз ичига олади. Жамиятнинг маънавий ҳаёти икки жиҳати билан характерлидир. Биринчидан,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистан», 1998.

у кишилар хаётий фаолиятининг реал жараёни, унинг асосий типларидан биридир. Шу маънода барча ижтимоий жараёнларни у ўз таркибига олади. Зарурий моддий неъматларга эга бўлиш максадида инсонлар шубҳасиз, моддий ишлаб чикариш фаолияти билан шуғулланади. Бироқ онгли зот сифатида улар ўзларининг маънавий эхтиёжларини кондирмасдан яшashi ҳам мумкин эмас. Шунинг учун онгни ишлаб чикаради, маънавий муносабат ва муомалалар тизимиға киради. Демак, улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан яшашга даъват этилган бўлади. Иккинчи томондан, маънавий хаёт жамият хаётининг нисбатан мустақил соҳасидир. «Жамиятнинг маънавий хаёти» тушунчаси «жамиятнинг маънавий соҳаси» тушунчаси билан аниқлаштирилади. Жамиятнинг маънавий соҳасига бутун маънавий хаёт эмас, балки унинг баъзи қатламлари ёки маҳсус маънавий ишлаб чикариш даражаси билан боғлик бўлган (профессионал) томонлар киради, жамиятнинг маънавий хаёти кишилар маънавий жиҳатдан эркин бўлишлари билан боғлик ҳолда амал қиласди. Инсоннинг маънавий эркинлиги унинг эркин фаолият соҳиби сифатида ўзини англаб етишини билдиради. Инсоннинг маънавий эркинлиги ҳакикий қадриятларга эркин муносабатда бўлишда, маънавий-ижодий эркинликда намоён булади. Маънавий соҳанинг асосини маънавий ишлаб чикариш ташкил этади. Бу жараёнда онг, яъни ғоялар, қарашлар, тасаввурлар ишлаб чикарилади. Дарҳакикат, кишилар ўзларининг ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чикариш билан чегараланибина қолмасдан, балки ўз тасаввурлари, тушунчаларини ҳам яратадилар. Онгни ишлаб чикариш тарихан аниқ шакллар (турлар)да амалга ошириладики, унинг ҳар бир шакли (сиёсий, ахлокий, эстетик ва ҳ.к.) маънавий ишлаб чикаришнинг алоҳида тармоғини ташкил этади. Маънавий ишлаб чикариш ижгимоий онгни, маънавий қадриятларни яратишдан иборатдир. Маънавий қадриятлар (илмий ғоялар, қарашлар, бадиий асарлар, рассомлик асарлари) маънавий мулоқотларнинг моҳиятини ифодалайди. Бунинг натижаси ўларок; ижтимоий онг омма ўртасида кенг таркалади. Маънавий ишлаб чикаришнинг ўзига хослиги унинг маҳсулотлари билан боғликлигидадир. Маънавий ишлаб чикариш маҳсулотлари ўзининг янгилиги, охори тўкилмаганлиги (янги бадиий асар, янги картина, янги илмий билимлар) билан ажralиб туради. Уларнинг аксарияти моддий тусга киради, яъни китоб, рассомлик асарлари сингари таркиб топиб, ўз яратувчилари ва истеъмолчиларидан алоҳида яшashi

хам мумкин. Бошка ҳиллари эса уларни яратиш ва ижро этиш жараёнида воқей бўлади. Масалан, артист саҳнага чиққанди, маъruzachi (лектор)- ўқитувчи аудиторияга кирганда шундай ҳолат рўй беради. Демак, маънавий фаолият жараёнининг ўзи унинг маҳсули бўлиб намоён бўлади. Маънавий ишлаб чиқариш аклий ва интеллектуал меҳнатга асосланади. Жамиятнинг ривожланиш асносида ақлий-интеллектуал меҳнат инсон ва унинг фаолияти учун янада кенг имкониятларни вужудга келтиради. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам ана шунда. Ақлий меҳнатнинг жозибадорлиги, айникса, адабиёт ва фан соҳасида ана шу ҳолат билан белгиланади. Шуни айтиш керакки, маънавий ишлаб чиқариш энг аввало, меҳнатнинг ижодий характеристини намоён қиласиган соҳадир. Санъаткор, олим, рассом, бастакорнинг меҳнати ҳақиқатан ижодий меҳнатдир. Кенгрок маънода оладиган бўлсак, инсоннинг ҳар кандай меҳнати маънавийлик билан суғорилган, «маънавийлашган»дир, сабаби — моддий фаолиятда инсон нафакат жисмоний, балки маънавий кучларини ҳам сарф киласди. Шу боисдан, адабиётларда моддий ишлаб чиқаришнинг маънавий имкониятлари, негизлари деган тушунча амал киласди.

Маънавий фаолият жамият маънавий хаётининг негизини маънавий фаолият ташкил этади. Фаолият бу кишилар мавжудлиги, борлигининг муайян усулидир. Маънавий фаолият ҳам фаолиятнинг бошка турлари сингари ижтимоий шартланган бўлади. Маънавий фаолият максадни кўзда тутадиган моҳиятдир. Чунки кишилар ўз манфаат ва эҳтиёжларини кондириш жараёнида муайян максадларга эришишга ҳаракат киласидилар. Кишиларнинг интилишлари, воқейликни ўзгартириш борасидаги ижодий ёндашишлари уларнинг мақсадида ўз аксини топади. Маънавий фаолият деганимизда «рух»нинг мавхум ҳолатини эмас, балки инсоннинг аклий, жисмоний, ташкилотчилик ва бошка ҳатти-ҳаракатлари мажмуини тушунамиз. Бу фаолият маънавий қадриятлар яратишга йўналтирилади, айни вақтда, санъат асарлари, фалсафа, илмий тадқиқотлар, ахлок, ва хуқуқнинг меъёрларида, сиёсий ғояларда, идеаллар, орзу ва фантазияларда ўз ифодасини топади. Бу фаолият инсоннинг мақсадига мувофиқ интилишларини ифодалаб, унда инсоний қобилият ва иштиёқ, ирода ва ҳиссиёт, ақл ва хаёл уйғунлиги намоён бўлади. Оқибат-натижада, инсон туйғулари, ақли, тафаккури, хаёллари, билиши, хаётий тажрибаси, кишиларга муносабати моддийлашади. Бошқача

айтадиган бўлсак, маънавий фаолият ғоялар, онг, хис-туйғулар, тафаккур ишлаб чикариши билан боғланган бўлади. Инсон бу фаолият туфайли маънавий қадриятларни ишлаб чикади, шу туфайли бу жараённи маънавий ишлаб чикариш деб аташ мумкин.

Бирок, «фаолият» тушунчаси билан «ишлаб чикариш» тушунчаси қўлланиш жиҳатидан бир-бирига teng эмас. Фаолият аклий, ижодий меҳнат билан шуғулланадиган алоҳида олинган инсон ёки кишилар гуруҳига хос хусусиятдир. Ишлаб чикариш эса ўз қўламига қўра кенг маънони ифодалаб, инсон ёки кишилар гуруҳининг аниқ меҳнати, фаолиятнингина эмас, балки шу билан бирга, фаолият амал киладиган, оммалашадиган, жамият микёсида кенг таркалишига йўналтирилган ижтимоий ташкиллаштиришни ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чикариш яратилган қадриятлар мавжудлиги ва амал килишининг зарурӣ шарт-шароитидир. Айтиш мумкинки, маънавий ишлаб чикариш маънавий қадриятларни ижтимоий ишлаб чикариш, истеъмол килиш ва айирбошлаш учун зарур бўлган барча нарсалардир.

Маънавий

Фаолият ўзининг ранг-баранглиги жиҳатидан қуидаги турларга бўлинади: сиёсий фаолият, ҳукукий ва аҳлоқий фаолият, илмий фаолият, иктисадий фаолият, диний ва фалсафий фаолият.

Маънавий

Муносабатлар ҳақида мулоҳаза юритган вактимизда муносабатлар муаммосига эътибор бермаган эдик, энди бу ҳақда тўхталиб ўтиш зарурияти бор. Чunksи маънавий фаолиятнинг ўзи ижтимоий муносабатларга бевосита сингиб кетгандир. Кишилар хаётининг моддий шакллари ҳақида гап борганда, табиийки, унга моддий ишлаб чикариш фаолияти — меҳнатнинг барча турларини киритамиз. Моддий муносабатлар тушунчаси остида эса ишлаб чикариш, тақсимот, айирбошлаш бўйича муносабатлар; авлодни давом эттириш билан боғлик муносабатлар; табиатга муносабат кабилар кўзда тутилади. Ва ниҳоят, моддий мулоқотни ҳам эсдан чикармаслик керак. Буларнинг барчаси жамланган ҳолда кишилар моддий ҳаётининг ижтимоий шаклини ифодалайди. Табиийки, кишиларнинг алокалари муносабатларнинг негизини ташкил этади, бинобарин, муносабатнинг ўзи кишилар ўртасидаги алокаларнинг ранг-баранг шаклларидан бошқа нарса эмас. Инсоннинг ижтимоий моҳияти муносабатларсиз, алокаларсиз маънога эга эмас. Инсон онги нафакат реал оламни, шу билан бирга, инсоннинг амалий фаолиятини ҳам, амалий муносабатини ҳам акс эттиради. Инсоннинг шахсий маънавий

олами воқелик ҳакидаги билимлар, тасаввурлар ва образлар бирлигига ўз ифодасини топади. Мулоқот — алока ва муносабатнинг негизини ташкил этсада, шунинг ўзи билан чегараланиб қолмайди. Кишилар ўртасидаги муомалалар жамият тараккиёти даражасига боғлик ҳолда турли шаклларда намоён бўлади ва ҳамма вакт шахсий маъно касб этади. Чунки кишилар ўзаро муомала қилган пайтларида жонли кишилар бўлиб кўзга ташланади. Бирок кишиларнинг оламга муносабатлари оқибат-натижада ижтимоий муносабатлар сифатида таркиб топади. Инсонларнинг маънавий эҳтиёжларининг таркиб топиши ва ривожланиши ҳамма вакт инсоннинг камол топиши, биринчи навбатда, унинг қобилияtlари билан боғлангандир. Чунончи, ёшларнинг вояга етиши, улар организмининг ривожи, тарбияси янгидан янги эҳтиёжларнинг шаклланиши билан боғликдир. Эҳтиёж — бу зарурат. Биз уларни ўйлаб топмаймиз, англаб етишимиз ёки англаб ета олмаслигимиз мумкин. Ҳар кандай эҳтиёж ўз асосига қўра, инсоннинг муҳит билан ўзаро алокадорлиги туфайли юзага келади. Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари негизида унинг маънавий туйғулари ётади, бу туйғулар ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, бутун жаҳон тарихининг маҳсулидир. Мусикани фарқловчи қулоқ, шакл гўзаллигини хис этадиган кўз ва бошка унга ўхшаш туйғулар меҳнат туфайли таркиб топган. Нафакат туйғулар, балки тафаккур ва хаёл ҳам маънавий эҳтиёжларни шакллантиради. Инсон табиат бағрида яшайди, кишилар орасида истикомат килади, бу омил унинг туйғулари намоён бўлиши учун тегишли имкониятларни яратади, эҳтиёжларини аник ўтайди, оламга муносабатини белгилайди. Масалан, табиатнинг гўзал манзараси кайфиятга караб турлича идрок этилиши мумкин: табиат гўзаллиги шахарликка нисбатан кишлоқ ахолисида бошқача таассурот туғдиради; оч одамнинг овқатга бўлган муносабати тўқникига нисбатан бутунлай бошқача бўлиши хақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Маънавий манфаатлар муаммоси ҳамма вакт долзарб масала бўлиб келган. Одатда, манфаатлар эҳтиёжлар билан бир қаторда кўриб чиқилади. Уларни умумийлаштирадиган нарса шуки, дам эҳтиёж, дам манфаат амалий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучлардир. Эҳтиёж манфаатни туғдиради, бунинг устига, бир эҳгиёжнинг ўзи бир неча манфаатни талаб килиши ҳам мумкин. Демак, инсонда эҳтиёжга қараганда манфаатлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, ейишга бўлган эҳтиёж озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатангина манфаат туғдирмайди, айни

вактда, у билан узвий боғланган бошқа ҳодисалар тизими, майший хизмат кўрсатишга ҳам манфаатли муносабатни такозо этади. Бу ерда факат «қорин» ташвишинигина кўриб қолмасдан, балки инсонни ижтимоий муносабатларга олиб кирадиган тизимни ҳам идрок этамиз. Авлодни давом эттириш категорияси икки жинс манфаатини ифодалабгина колмасдан, балки шу билан бирга ахлокий, эстетик туйғулар, турмушни яхшилаш, оилани бошкариш каби бошқа шу тартибдаги ҳодисаларни ҳам талаб килади. Инсоннинг эҳтиёжлари унинг манфаатларига нисбатан анча турғундир. Очлик туйғуси ваҳший ёки маданийлашган инсон ҳис этишидан катъий назар, ўзгармай колади. Бирок бу туйғу инсонда ёввойига нисбатан бошқа тартибда кечади. Билишга бўлган эҳтиёж илмий, фалсафий манфаатларгача бўлган анча содда йўлларни босиб ўтди. Эстетик эҳтиёжлар эса мунтазам равищда янгидан пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш ва бадиий фаолият йўли билан қондириб борилади. Хар кандай эҳтиёж пайдо бўлар экан, ўзини қондиришга даъват этади. Шу сабабли, манфаатларда максадга мувофиқлик, фойдага муносабат хисси иштирок этади. Маънавий қадриятлар кишилар маънавий оламининг шаклланиши ва тараккиёти, уларнинг маънавий бойиши учун кадр қимматга эга бўлган нарса-ҳодисалар маънавий қадриятлар дейилади. Улар инсон фаолияти, меҳнати, яратувчанлиги, ижодкорлигининг маҳсули ҳисобланади. Масалан, рассом, шоир, файласуф, физик олим, санъат асарлари, илмий тадқикотлар, олам ҳакидаги асарларнинг муаллифлари сифатида маънавий қадриятларни яратувчилариdir. Бундай ижодий жараёнда улкан аклий кучлар сарфланади, тафаккурнинг эски андозалари бартараф этилади. Олимларнинг фикрлари, шоирларнинг кайнок кечинмалари, илмий қашфиёт сирлари предметли — моддий тусга кирап экан, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари ҳам бунга сафарбар этилади. Яратилган буюмлар оддий эмас, балки маданият предметлари, маънавий ишлаб чиқариш предметлари, буюмлари сифатида юзага келади. Уларда билимнинг асослари, инсоний муносабатларнинг тажрибалари гавдаланади, бизнинг онгимизга гўзаллик, эзгулик, ҳакикат тўғрисидаги тасаввурларни олиб киради. Маънавий қадриятларга хос хусусиятлардан яна бири тафаккур ва ҳиссиётнинг энг умумий шаклда намоён бўлишидир. Хоҳ санъатда, хоҳ фанда, хоҳ фалсафада бўлсин, бу нарса ўзига хос моддийлашади. Моддийлаштириш жараёнининг ўзи амалий фаолият бўлиб, малакалар, кобилиятларни гавдалантиришни такозо килади, у амалиёт

сифатида эса маънавийликни моддий нарсаларга кўчиради. Маънавий фаолиятнинг яна бир хусусияти шундаки, амалиёт ўз ичига ниҳоятда рангбаранг меҳнат малакаларини камраб олади, шу сабабли, маънавий кадриятларни яратишдан кўзланган асосий максад — бу моддийликни идеалликка «буйсундириш»дан иборат бўлади. Масалан, рассом оламни бошқаларга ўхшаб мушоҳада этади, унга ўз муносабатини билдиради. Бирок «кўргани»ни, кечирганини, кузатишларини ҳамма моддийлаштира олмайди, бунинг учун, яъни ранглар билан ижод килиш учун алоҳида кобилият бўлиши лозим. Гипотеза асосида фикрловчи олим ўз фикрларини эксперимент билан мустажкамлаши керак, эксперимент эса ўзига хос малакани талаб килади. Мусикачи учун кобилиятли бўлишдан ташкири яна ривожланган туйғу, чукур эшитиш кобилияти ҳам зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, маънавияти бой, тафаккури кенг, ижтимоий фаол инсон жамият бойлигидир. Ҳозирги жамиятимизнинг маънавий янгиланиш жараёнида бундай инсонларнинг ҳар бир жабҳада ўз ўрнига эгалиги ва келажак авлодни тарбиялашда муҳим ўринга эга эканлиги билан белгиланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистан», 1998.
- 2.И. А. Каримов. Ўзбекистон : миллий иститути, иқтисод , сиёsat, мафкура. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
3. И. А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.-Тош кент, «Ўзбекистон», 2001.
4. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Тошкент,2000.
5. Баркамол авлод — Ўзбекистон тарақётининг пойдевори. — Тошкент,
- 6.«Шарқ», 1998. Й. Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафий ва ахлокий таълимотлар тараққиёти тарихидан. — Тошкент, «Ўқитувчи»,1997.
7. А. Иброҳимов, Х Султонов, Н. Жураев. Ватан туйғуси. — Тошкент, «Шарқ», 1996.
8. И. Комилов. Тасаввуф. I китоб. Тошкент, «Ёзувчи», 1996.
9. М. Махмудов. Али дил (Маънавий олам сирлари). — Тошкент, «Ўқитувчи*», 1997.
10. Т. Махмудов. Мустақиллик ва маънавият. — Тошкент, «Шарқ», 2001.

11. О. Мусурмонова. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. —Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
12. С. Отамуродов, Ж. Раматов, О. Хусанов. Маънавият асослари. Тош кент, 2002.
13. Фалсафа. Қомусий лугат. — Тошкент, «Шарқ», 2004.
14. И. Эргашев. Давлат сиёсати ва маънавият. «Миллий тикланиш», 1997, 13 май.
15. А. Эркаев. Маънавият — миллат нишони. Тошкент, «Маънавият», 1997.
www.ziyouz.com
16. Нурмухамеджанов, А. (2022). ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 442-446.
17. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 1-10.
18. Nurmatovich, S. T. (2021). Theoretical of national music culture fundamentals.
19. Mahmudovich, N. A. (2023). SOME ASPECTS OF THE CONCEPT OF SPIRITUAL RENEWAL IN UZBEKISTAN. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 16,
20. Xusanovna, D. N. (2023, April). BOLALAR FALSAFASI VA UNING SHAXS RIVOJIDAGI O'RNI. In *E Conference Zone* (pp. 73-78).
21. Djalalova, N. (2023). YOSHARNING ESTETIK TAFAKKURINI TARBIYALASH VA YUksAKTIRISHDA MUSIQIY MADANIYATNING O'RNI. *Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения*, 2(4), 7-10.
22. Нажметдинова М.М. У.Рахмонов А.Эргашев The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People *Journal of Pedagogical Inventions and Practices* <https://zienjournals.com> ISSN NO:2770-2367 Date of Publication:22-11-2021 A Bi-Monthly, Peer Reviewed International Journal Volume 2 47-49
23. Нажметдинова М.М S.Mannopov, I.Nazarova, Sh. Ataboyeva, J.Mo'ydinov Analysis of research on aesthetic features of uzbek folk music *Turkish online journal of qualititave Inquiru (TOJQI)Volume 12,ISSue 10 Oktober 2021:3528-3533*
24. Ergashev, A. (2022). MUSIC EDUCATION IN FOREIGN COUNTRIES. *Science and Innovation*, 1(7), 262-265.
25. Tursinovich, A. K., & Abdullayevich, A. E. (2022, June). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. In *Archive of Conferences* (pp. 245-248).

26. Tursinovich, A. K., & Abdullayevich, A. E. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. Archive of Conferences, 245-248.
27. Mannopov, S., Karimov, A., Ataboeva, S., Ergashev, A., & Usmanova, S. (2021). Development Of Symphonic Music in Uzbekistan. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 53-56.
28. Karimov, A., Mamaziyaev, K., Kholikova, G., Ergashev, A., & Kirgizov, I. (2021). Symbol Of Instruments In State Performance Served In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(10).
29. Ergashev, A. (2022). MUSIQA TA'LIMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING O 'RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 545-554.
30. Juramirzayev, A., & Ergashev, A. (2022). THE SCIENTIFIC AND CREATIVE ROLE OF THE PEOPLE'S ARTIST OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, PROFESSOR SULTANALI MANNOPOV IN THE PROMOTION OF THE UZBEK NATIONAL MUSICAL ART. *Science and innovation*, 1(B7), 121-125.
31. Ergashev, A. (2022). XORIJY DAVLATLARDА MUSIQA TARBIYASI. *Science and innovation*, 1(C7), 262-265.
32. Ergashev, A., Ataboyeva, S., Djalalova, N., & Usmonova, S. (2021). THE ROLE OF COMPOSERY IN THE ART OF NATIONAL SINGING. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 863-867.
33. Хожимаматов А. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРИБ БОРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНинг НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. “*JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN UZBEKISTAN*”. *JURNALI VOLUME 1, ISSUE 2, 2023. JUNE 249-253 bet.*
34. Achildiyeva, M. (2023). PATNISAKI ASHULANING IJTIMOIY JARAYONDA FALSAFIY TARAQQIYOTI XUSUSIDA. *Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan*, 1(2), 254-266.
35. Achildiyeva, M. (2023). QADIMGI DAVR CHOLG 'U SOZLARI VA ULARNING KELIB CHIQISHI. *DENMARK" THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF SCIENTIFIC PROGRESS IN MODERN SOCIETY*", 14(1).
36. Achildiyeva, M., & Mohinur, M. (2023). O 'ZBEK SAN'ATINING ZABARDAST HOFIZI JO 'RAXON SULTONOV. *DENMARK" THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF SCIENTIFIC PROGRESS IN MODERN SOCIETY*", 14(1).

37. Achildiyeva, M., & Sabina, B. (2023). ALISHER NAVOIY ASARLARIDA MUSIQIY ATAMALAR. *Gospodarka i Innowacje.*, 34, 494-498.
38. Achildiyeva, M., & Atkiyoyeva, R. (2023). O ‘ZBEK MILLIY BALETLARINING PSIXO-ESTETIK AHAMIYATI. *Gospodarka i Innowacje.*, 34, 485-489.
39. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O‘QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. *Scientific progress*, 2(2), 1313-1315.
40. Namozova, D. (2022). BO ‘LAJAK MUSIQA O ‘QITUVCHILARINING KREATIV KOMPETENTLIGINI MUSIQA TARIXI FANINI O ‘QITISH VOSITASIDA SHAKLLANTIRISH. *Science and innovation*, 1(B6), 942-950.
41. Sultonov, A. (2022). MUSIQIY IDROKKA TA’SIR ETUVCHI TRANSFORMATSION TENDENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING SAMARADORLIGI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 314-323.
42. D Namozova, Z Astanova, M Egamberdiyev APPROACH TO THE USE OF THE LIVES AND WORKS OF BLIND MENTOR ARTISTS IN EDUCATING YOUNG PERFORMERS (ON THE EXAMPLE OF RASULQORI MAMADALIYEV) *Science and innovation* 2 (B4), 149-151
43. Rustamov, I. (2022). DOYRA CHOLG‘USIDA IJROCHILIK MAHORATINI OSHIRISHDA QO‘LLANILADIGAN MASHQLAR MOHIYATI. *Science and innovation*, 1(B6), 456-460.
44. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 74-77.
45. Rustamov, Ismoil (2023). DOIRA CHOLG‘U IJROCHILIGIDA IJROVIY USULLARNING AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (4), 74-79.

Research Science and Innovation House